

АЖРИМ

(даъво аризасини кўрмасдан қолдириши тўғрисида)

Ромитан тумани

2023 йил 18 сентябрь

Бухоро туманлараро иқтисодий суди судья А.Сафаров раислигида, судья ёрдамчиси Қ.Қўзиеванинг котибалигида, тарафлар вакиллари иштирокисиз, даъвогар Жондор туман солиқ инспекциясининг, жавобгар "Аладдинбобо ворислари" масъулияти чекланган жамиятини соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги аризасини Ромитан туманлараро иқтисодий суди биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жондор туман солиқ инспекцияси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар "Аладдинбобо ворислари" масъулияти чекланган жамиятини соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топишни сўраган.

Тарафлар суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган бўлсада, суд мажлисига келмади, ишни ўзининг иштирокисиз кўриш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилмади.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра даъвони кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодекси 107-моддасининг олтинчи бандига кўра, даъвогар биринчи суд мажлисига келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўрилиши тўғрисида арз қилмаган бўлса иқтисодий суди даъвони кўрмасдан қолдиради.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, иқтисодий иш Ромитан туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 31 августдаги ажрими билан иш юритувига қабул қилиниб, ишни Ромитан туманлараро иқтисодий суди биносида тайинлаган суд мажлисида кўриш 2023 йил 18 сентябрь куни соат 10⁰⁰га тайинланган.

Суднинг ажрими тарафларга 2023 йил 31 август куни "Гибрид почта" электрон почта алоқаси орқали электрон шаклда юборилган. Жондор туман солиқ инспекциясига аризани иш юритишга қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим "Гибрид почта" тизими орқали юборилган ҳамда тегишли тартибда қабул қилиб олинган.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодекси 170-моддасининг иккинчи хатбошисига биноан иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган даъвогар суд мажлисига келмаса, даъвогарнинг ишни унинг йўқлигида кўриш тўғрисидаги аризаси бўлган тақдирда, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Мазкур ҳолатда даъвогарнинг ишни унинг иштирокисиз кўриш тўғрисидаги аризаси мавжуд эмас.

Юқоридаги асосларга кўра, суд аризани кўрмасдан қолдиришни лозим топди.

ИПК 118-моддасининг биринчи қисмида суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига



мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилиши белгиланган.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига кўра, аризачи ва жавобгар — ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан озод қилинган. Қайд этилганларга асосан суд иш бўйича давлат божини ундирмасликни, олдиндан тўланган 33.000 сўм почта харажатини даъвогар зиммасида қолдиришни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда ИПКнинг 107, 118, 170, 195 ва 196-моддаларини қўллаб, суд

АЖРИМ ҚИЛДИ:

Жондор туман солиқ инспекциясининг аризаси кўрмасдан қолдирилсин. Даъвогарнинг давлат божи тўлашдан озод қилинганлиги инобатга олинсин.

Олдиндан тўланган 33.000 сўм почта харажати Жондор туман солиқ инспекцияси зиммасида қолдирилсин.

Ажрим устидан бир ой муддат ичида Бухоро туманлараро иқтисодий суди орқали Бухоро вилоят судига апелляция тартибида шикоят келтириш мумкин.

Судья

А.Сафаров

